ЎзССР Давлат китоб палатаси
Инв. № 290991

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKISTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 17 сентябрь, шанба № 143 (21.747). Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

15 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Фаластин Озодлик Ташкилоти ижроия қўмитасининг раиси Ёсир Арафотни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Яқин Шарқдаги вазият, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш, дўстона алоқаларни ривожлантириш хусусида фикрлашиб олинди.

Меҳмон самимий қабул учун миннатдорчилик билдириб, Ўзбекистонга ташрифи ғоят самарали ўтаётганидан мамнуният изҳор этди. Мамлакатимиз келажаги ва тараққиётига равнақ тилади.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 сентябрь куни Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лии Кларкни унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Суҳбат чоғида АҚШ билан Ўзбекистон ўртасидаги амалий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш юзасидан фикрлашиб олинди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

* * *

16 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Клаус Якобс бошчилигидаги Ғарбий Европа ишбилармонлари делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Суратда: Ёсир Арафотни қабул қилиш пайти. А. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Суҳбатда қандолат маҳсулотлари ва ширинликлар ишлаб чиқариш борасида ҳамкорлик қилиш, қўшма корхоналар очиш, уларни замонавий техника воситалари билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

— Ўзбекистонда сизнинг маҳсулотингизга талаб катта,— деди Ислом Каримов. — Замонавий корхоналар барпо этиш ва ҳамкорликда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳар икки томон учун фойдалидир.

Делегация раҳбари тез орада кенг кўламли ишларни амалга ошириш учун барча шарт-шароитлар етарли эканини таъкидлаб, самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ў. Султонов, М. Усмонов ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

* * *

Шу куни Клаус Якобс бошчилигидаги Ғарбий Европа ишбилармонлар делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ўткир Султонов билан учрашди.

Учрашувда Тошкент ва Янгийўл шаҳарларидаги қандолат фабрикаларини таъмирлаш, янги ускуналар билан жиҳозлаш, шунингдек, янги технология асосида ишлайдиган йирик қандолат фабрикасини қуриш ҳақида келишиб олинди.

(ЎзА).

Самимий қутловлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари!

Австралия ҳукумати ва халқи номидан ҳамда шахсан ўз номимдан ҳукуматингиз ва Ўзбекистон халқини Мустақиллик куни муносабати билан қизғин қутлашдан мамнунман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар бундан буён ҳам ривожланиб ва мустаҳкамланиб боришига ишончим комил.

Билл ХАЙДЕН,
Австралия Бош губернатори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари!

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Филиппин Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Сиз жаноби олийларига самимий табрик ва эзгу тилаклар йўллашга ижозат бергайсиз.

Филиппин ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида Сиз билан ҳамкорлик қилиш имкониятини сабрсизлик билан кутиб қоламан.

Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик ва муваффақият, Ўзбекистон халқига эса фаровонлик тилайман.

Фидель РАМОС,
Филиппин Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари!

Мустақиллик куни муносабати билан Сизга самимий табрикларимни йўллайман ҳамда сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Туанку Жаафар ибни Алмарҳум Абдул РАҲМОН,
Малайзия давлати бошлиғи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мустақиллик куни муносабати билан Ямайка ҳукумати ва халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига самимий қутловларимни йўллайман.

П. Ж. ПЭТТЕРСОН,
Ямайка Бош вазири.

РЕСПУБЛИКА ФАХРИЙЛАР КЕНГАШИДА

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши раёсатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Йиғилишда вилоятлар фахрийлар кенгашларининг ҳамда республика кенгаши доимий комиссияларининг раислари иштирок этди.

Республика фахрийлар кенгаши раиси Б. Раҳимов бошқарган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1941—1945 йиллардаги фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида республика фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши ҳузурида уруш фахрийларига, ҳалок бўлган жангчиларнинг оиласига, уруш даврида фронт ортида меҳнат қилган фахрийларга моддий ёрдам кўрсатиш бўйича махсус ҳисоб очилгани қайд этилди. Вазирликлар ва идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, корхоналар, диний ташкилотлар ва алоҳида шахслар ҳадя қиладиган маблағ ана шу ҳисобга келиб тушади.

1995 йил апрель ойида 33 жилддан иборат «Хотира китоби»ни нашрдан чиқариш мўлжалланмоқда.

Шу билан бир қаторда, Президент Фармони ва ҳукумат қарорини бажариш юзасидан барча иш қилиняпти, деб бўлмайди. Кўпгина вилоят кенгашлари ишида жиддий камчиликлар мавжуд, тадбирлар режасини амалга ошириш етарли даражада назорат қилинмаяпти, қуролли кучлар фахрийлари фаолиятидан унумли фойдаланилмаяпти.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

ПОЙТАХТ ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

16 сентябрь куни Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси кун тартибига қўйилаётган масалалар муҳокамасига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлди. Унда Тошкент шаҳридан сайланган Ўзбекистон халқ депутатлари, туман ҳокимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва ташкилот раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов бошқарди.

Ўзбекистон Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Эркин Халилов ўн иккинчи чақириқ республика Олий Кенгашининг ҳисобот давридаги иши ва бўлажак сессия муҳокамасига қўйилаётган асосий масалалар тўғрисида маъруза қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Борис Бугров қатнашди.

(ЎзА).

МАДАНИЙ МЕРОСГА ЭЪТИБОР

Маънавий қадриятлар ҳар бир миллатнинг фахри ҳисобланади. Зиёлиларимиз бу йўлда сидқидилдан хизмат қилишга бел боғлаган. Мозийни ўрганиш, аждодларимиздан қолган нодир меросни излаб топиш ва асраб-авайлаш уларнинг эзгу мақсадидир. Шу маънода Президентимиз Фармони билан республикамизда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг ташкил этилиши айни муддао бўлди.

Ушбу марказда Ўзбекистон Фанлар академияси билан ҳамкорликда маданий меросни ўрганиш масалаларига бағишланган мажлис ўтказилди.

Уни мазкур марказ раҳбари Э. Юсупов бошқарди.

Йиғилишда нодир қўлёзмаларни ўрганиш, тарихий саналарни нишонлаш, меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш, қадимшунослик борасидаги экспедиция ишларини жонлантириш, шунингдек, ўзбек урф-одатлари ва қадриятларини тарғибот этувчи тадбирлар ўтказишни йўлга қўйиш ҳақида гап борди.

Адиблардан О. Ёқубов, А. Орипов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги диний ишлар қўмитаси раиси А. Абдуллаев, Ўзбекистон «Ёдгорлик» жамияти раиси Н. Муҳиддинов ва бошқалар бу борада амалга оширилиши керак бўлган фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

М. ОЛИМҚУЛОВА,
ЎзА мухбири.

ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ЎРНАТИЛДИ

15 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасида Ўзбекистон ва Чили Республикалари ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди. Уни Ўзбекистон Республикасининг Россиядаги муваққат ишлар вакили Ш. Шохалилов ва Чили Республикасининг Россиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жеймс Холгер имзоладилар.

Маросимдан сўнг бўлиб ўтган суҳбатда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш хусусида фикрлашиб олинди.

Ф. ПАРПИЕВ,
(ЎзА).

КУЗНИНГ ҲАР БИР КУНИ ҒАНИМАТ

Деҳқончиликда йилдан йилнинг фарқи бор. Гоҳо об-ҳаво ноқулай келиб, пахтакорларни йил бўйи қийнаб қўяди. Ҳатто ҳашарчи чақирмаймиз, деб ваъда қилинганида ҳам охир-оқибатда бу аҳддан воз кечилган вақтлар кўп бўлган. Мисол учун ўтган йилни олайлик. Кўклам ноқулай келди, куз серёмғир бўлди. Қиш ҳам эрта тушди. Терим кечикди. Ҳашарчилар ҳам чақирилди. Бироқ кўпгина вилоятлар режани бажаришолмади.

Бу йил эса тамоман бунинг акси бўлиб турибди. Об-ҳаво ҳар томонлама қулай келди. Кўпчилик деҳқонлар бу йил пахта йили бўлди, дейишмоқда. Мавсумда эса ҳар галгидек бухоролик пахтакорлар пешқадамлик қилишмоқда. Ҳали машина теримига киришилмаган бўлсада, кунига йиллик режанинг 3,5-4 фоизи миқдорида пахта тайёрланаётир.

Хоразмлик пахтакорлар ҳам суръатни тобора оширмоқдалар. Фарғона, Навоий, Сурхондарё, Андижон вилоятларида ҳам ғанимат фурсатлардан унумли фойдаланилмоқда. Маълумки Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларида одатда пахта машинада териб олинади. Бу вилоятларда дефолиация муваффақиятли якунланди. Ҳадемай далаларга «зангори кема»лар олиб чиқилади. Ана ўшанда республикамиз хирмони янада юксалади.

Мамлакатимиз пахтакорларининг шу кунлардаги мардонавор меҳнати ҳақида жойлардан хабарлар келиб турибди. Қуйида ушбу хабарлардан айримларини ўқийсиз.

• ҚАШҚАДАРЁ

— Вилоят пахтакорлари бу йил 420 минг тонналик «оқ олтин» хирмони уюшга аҳд қилишган,— деб ёзади мухбиримиз Илҳом Каромов.

Жорий йилда 182 минг гектар ерга пахта экилди. Режага кўра 236 минг тонна пахта машиналар ёрдамида терилади. Муборак туманидаги «Хитой» жамоа-ширкат хўжалигида пахта тайёрлаш етакчи ўринни эгаллайди. Хўжалик пахтакорлари бу йил ҳам терим машиналарини биринчилар қатори пахтазорга олиб чиқдилар. Дастлабки кунларданоқ 64 та терим агрегати ишга солинди. Кунига ўртача 8—10 бункердан пахта тўкиляпти. Терим машиналари шарофати билан маррага яқинлашган бригадалар сони кўпайиб бормоқда. Таниқли пахтакор Ж. Мелиев бошлиқ деҳқончилик ширкати ижарачилари зафар маррасига етиб келдилар.

• НУКУС

— Қўнғирот тумани, «Хоразм» давлат жамоасидаги Ўрол Мамбетов раҳбарлик қилаётган звено аъзолари шоли ўриш, янчиш ва қабул пунктларига тоширишда ибрат кўрсатмоқдалар,— деб таъкидлайди мухбиримиз Рейимбой Ешимбетов.

Звено аъзолари 40 гектар майдондаги шолининг ҳар гектаридан 31 центнер ўрнига 51,2 центнердан ҳосил кўтариб, режани ошириб бажардилар. Ҳали далада ҳосил мўл. Шолини ўриб-янчиб олишда комбайнчилар кунлик нормаларини 1,5 ҳиссадан ошириб адо этмоқдалар.

• САМАРҚАНД

Мухбиримиз Фармон Тошевнинг хабар беришича, самарқандликлар 250 минг тонналик ғалла хирмони учун курашмоқдалар.

Шаҳарликлар, ўқув юртларининг талабалари, ўқувчилар ҳам йиғим-теримга сафарбар этилган. ХДП вилоят кенгаши теримни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан мурожаат билан чиқди. Даъват партия нашри — «Регистон» рўзномасида босилди ва кенг жамоатчилик томонидан қизғин маъқулланди. Йиғим-теримда Нарпай, Иштихон ва Жомбой туманлари пахтакорлари пешқадам. Улар кунига 2—2,5 фоиз миқдорида ҳосил йиғиштирмоқдалар. Жума, Зиёвуддин, Зирабулоқ пахта тозалаш заводлари янги ҳосилни қайта ишлашга киришди.

„ОҚ ОЛТИН" хирмонига

1994 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА 16 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	бир кунда	мавсум бошидан	шу жумладан машинада терилгани: бир кунда	шу жумладан машинада терилгани: мавсум бошидан
Бухоро	3.66	30.98	0.00	0.00
Хоразм	2.43	24.93	0.00	0.00
Сурхондарё	2.30	20.01	0.53	1.70
Навоий	2.71	19.22	0.27	0.70
Фарғона	2.55	18.44	0.12	0.16
Самарқанд	2.58	16.12	0,56	1.84
Андижон	2.59	13.64	0.00	0.00
Қашқадарё	1.99	10.33	0.47	1.70
Наманган	1.35	7.65	0.06	0.21
Қорақалпоғистон Республикаси	1.02	5.46	0.01	0.02
Жиззах	0.80	3.55	0.05	0.06
Тошкент	0.61	3.04	0.00	0.00
Сирдарё	0.56	2.52	0.00	0.00
Ўзбекистон Республикаси бўйича	1.92	13.50	0.16	0.50

• ЖИЗЗАХ

— «Арнасой туманидаги Бобо Файзиев номли ижара ширкатлар бирлашмасининг Риштон Ўтабоев бошлиқ фермер жамоаси вилоятда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини уддалади, — деб ёзади мухбиримиз Пардабой Тожибоев.

Гектаридан 24 центнердан дурдона йиғиб олинди. Бу кўрсаткич 35 центнерга етказилади. Бу жамоа ҳосилнинг ҳаммасини машинада териб олмоқчи. Вилоятда биринчи бўлиб машина теримига киришган. Ю. Фучик номли, 15-«А» номли ширкат бирлашмаларида ҳам машинада пахта терилмоқда.

• НАВОИЙ

— Вилоят заршунослари эл хирмонига 125 минг тонналик пахта ҳосили етказиб бериш ниятида ғайрат қилмоқдалар,— деб хабар қилади мухбиримиз Музаффар Шаропов.

Машина теримига ҳам эътибор бериляпти. Хатирчи тумани пахтакорлари терим техникасини пахта пайкалларига олиб чиқдилар. Машина бункерларидан ўртача 7 тоннадан хом ашё тўкилмоқда. Ибн Сино, Амир Темур, Абдуҳолиқ Ҳалимов, Қосим Раҳматов номли жамоа хўжаликларининг механик ҳайдовчиларининг ғайрати таҳсинга лойиқ. Хўжаликларда 40 та терим техникаси икки сменада унум билан ишлатиляпти.

ПАХТАКОРГА МАДАДКОРМИЗ

Ҳар куни нигоҳимиз гоҳ газет, гоҳ радио, гоҳ ойнаи жаҳонда. Фалон бригада ёки фалон хўжалик режани бажарди, деса бир қувониб қўямиз. Демак, бу йил ҳам пахтамиз мўл. Ана шундай лаҳзаларда кўнглимизга меҳнат қилиш билан бирга мароқли дам олиш ҳам сиғади. Кун бўйи тўкилган тер ва чарчоқларни битта ёқимли қўшиқ ёзиб юборса-чи?!

Маданият вазирлиги ҳузуридаги минглаб, юзлаб муассасалар, бадиий жамоалар ана шу «олтин мавсум»га беминнат хизмат кўрсатмоқда. Фарғона вилоятининг мингдан зиёд ҳаваскорлик гуруҳлари, жумладан, Қува тумани маданият уйига қарашли «Анор» халқ ашула ва рақс дастаси янги дастур билан пахтакорлар ҳузурида хизмат қиляпти. Марғилон шаҳар маданият уйи қошидаги «Чодир жамол» фольклор дастаси томонидан тайёрланган «Шарқ бозори» сюитаси ўзининг қизиқарлилиги билан кўпчиликнинг меҳрини қозоняпти. Дорбозлар, аскиячилар, қизиқчилар, катта ашула ижрочилари дастурлари пахтакорларга маъқул тушди.

Водиллик полвон Турсунали ҳожи бошчилигидаги миллий цирк гуруҳининг вилоят дала шийпонларида намойиш этаётган томошалари пахтакорларга ҳузур бағишламоқда. Бухоро, Навоий, Қашқадарё вилоятлари маданият ходимларининг кўчма клубларининг «Маданият ходимлари пахтакорларга», «Бугун барчанинг ўрни далада» деб номланган суҳбат-концертлари дала меҳнаткашларида катта таассурот қолдирмоқда.

Шаҳар ва туман маданият уйлари ижодий жамоалари тайёрлаган бадиий ташвиқот гуруҳларининг махсус дастурлари, вилоят ижодкорлари билан ҳамкорликдаги учрашув-концерт оқшомлари, халқ театрларининг турли қизиқарли мавзулардаги театрлаштирилган томошалари дала меҳнаткашлари ҳузурида намойиш этилиб, улар томонидан илиқ кутиб олиняпти. Китоб туманининг «Садо», Ғузор туманининг «Нарциз» дасталарининг дастурлари маҳорат билан саҳналаштирилганлиги кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Сирдарё, Самарқанд, Андижон вилоятлари кутубхоначилари дала шийпонларида кўчма кутубхоналар ташкил этиб, қизиқарли адабиётлар билан пахтакорларни таъминлашмоқда, айни пайтда турли мавзуларда қизиқарли тадбирлар уюштириляпти. Айниқса, мутахассислар билан ўтказилаётган савол-жавоб кечаларида дала меҳнаткашлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олмоқдалар. Янги газета ва журналлар ҳам дала шийпонларига етказиб берилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси бадиий ҳаваскорлари бугунги кунда ўз ўринлари далада эканини билишади. Элликқалъа тумани «Бўстон» ашула ва рақс дастаси, Шуманай туманининг «Гулпак» халқ жамоаси, «Мерос» фольклор этнографик дастасининг «Қиз узатиб борганда» деб номланган дастурлари, театрлаштирилган томоша ва концертлари қизиқиш билан кутиб олинмоқда. Хоразмлик маданият ходимлари ҳам дала заҳматкашлари ҳузуридалар. Вилоятда 202 та маданият уйи бор. Улар ўзларининг гўзал дастурларини шийпонларда намойиш этмоқдалар. Пойтахт вилоятининг 25 дан зиёд халқ ҳаваскорлик жамоаси Оққўрғон туманининг «Наврўзи ажам», Паркент туманининг «Паркент гуллари», Бўстонлиқ туманининг «Гулёр» фольклор-этнографик дасталарининг ранг-баранг дастурлари дала меҳнаткашларига илҳом бағишламоқда.

Маданият ишлари вазирлигининг ҳаваскорлик жамоаларини янги бадиий асарлар билан таъминлаш бўйича репертуар-таҳрир ҳайъати ҳам ҳаваскорлар саҳнаси учун қишлоқ меҳнат аҳлини мадҳ этувчи, дала меҳнаткашлари, пахтакорлар меҳнатини шарафловчи бир қанча асарлар қабул қилиб, жойларга етказиб бердилар. Жумладан, бастакорлардан Нодим Норхўжаев, Мустафо Бафоев, Ҳабибулло Раҳимов, Сайфи Жалил ва бошқалар яратган мусиқий асарлар халқчиллиги билан ҳаваскорлар томонидан севиб ижро этиляпти.

Рустам ХУЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги маданий-маърифий ишлар ва халқ ижодиёти бошқармаси бошлиғи.

ПАРТИЯ АЖБОРОТИ

ХАЙРЛИ ИШЛАР ДАВОМИ

Корхонамиз бошланғич партия ташкилоти ўз сафини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Ёшлар ташкилоти ҳам жонланди. Бунда ХДП бошланғич ташкилотига ёш, жонкуяр, сергайрат, ташаббускор қурувчилардан бири, бош муҳандис Олимжон Абдуллаев етакчилик қилаётганини айтиб ўтиш жоиз. У партиянинг обрўси, унинг аъзосининг нечоғли фидокорлик кўрсатиб ишлаши билан ошажагини ўз шахсий намунасида кўрсатяпти.

Бошланғич ташкилот тўлиқ партия кенгаши ходимлари ва кенгаш қошидаги тарғиботчилар гуруҳи имкониятларидан ҳам унумли фойдаланяпти. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, турини кўпайтириш борасида нафақат партия аъзолари, балки ХДП фаолиятига ҳайрихоҳ бўлган ишчи-хизматчиларнинг ҳам қўшаётган ҳиссаси салмоқли.

Комбинат асосан вилоятдаги 2-деҳқончилик саноати қурилиши бирлашмаси таркибидаги жамоаларга ўз маҳсулотини етказиб беради. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, оқтошлик қишлоқ қурилиши жонкуярлари билан 28 та бирлашманинг жойлардаги ташкилотлари доимий мижозлардир.

Меҳнат кишисига зарур шарт-шароит яратилса муваффақият ёр бўлаверади. Буни яхши англаб сауна, барча қулайликларга эга бўлган дам олиш хоналарини бунёдкорлар ихтиёрига бериб қўйганмиз. Янгиқўрғоннинг «Нанай» қишлоғидаги оромгоҳ ҳам улар хизматида.

Жамоамизнинг етмиш фоизи ёшлардан иборат. Уларни ижтимоий ҳимоялаш маъмурият ички имкониятидан келиб чиқиб амалга ошириляпти. Туман партия кенгаши тавсияси билан эски клуб биноси қайтадан таъмирланди. У бошланғич партия ва ёшлар ташкилотларининг тарғибот марказига айлантирилди.

Яқинда бу ерда бўлган кўргазмали семинар шу хайрли ишларнинг давомидир. Унда Тўрақўрғон туманидаги барча партия ва ёшлар ташкилотлари котиблари иштирок этдилар. Партиявий иш юритиш, истиқлол мафкураси, иқтисодий ислоҳотлар ва Олий Мажлисга бўлажак сайловлар тўғрисида ўзаро фикр, тажриба алмашдилар.

Шу куни янги партияга қабул қилинганлардан беш нафар комбинат ишчисига билетлар тантанали равишда топширилди.

Жамолхон КАРИМОВ,
Тўрақўрғон туманидаги 2-қишлоқ қурилиш материаллари комбинати директори.

• ФАРМОН ВА ИЖРО

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даврининг барча қийинчиликларни мамлакат Президентининг доно кўрсатмалари туфайли мардонавор меҳнат, ақл-идрок ва матонат билан енгаётган халқимиз суюкли диёримиз — Ўзбекистоннинг жаҳон узра обрў-эътибори ҳамда салоҳияти тинмай ошишига комил ишонч ила курашмоқда. Бу ишонч Ўзбекистонни Ватаним, Она юртим, деб яшаётган ва ишлаётган ҳар бир фуқаронинг қалбига ғурур ҳамда шукуҳ бахш этади.

ИЗЧИЛ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ— ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Истиқлол туфайли халқимиз қалбида уйғонган ана шундай кўтаринки кайфиятни мустаҳкамлаш мақсадида Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан фуқаролар турмуш даражасини яхшилашга қаратилган катта ижтимоий, иқтисодий ислоҳотларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Шу йилнинг 23 августидаги Ўзбекистон Президентининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур Фармонга асосан Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарори фикримизнинг ёрқин далилидир.

Буюк келажакни яратиш йўлида ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларимизни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун мўътабар шу заминда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталикни, барқарорликни сақлаш, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, соғлом авлодни камол топтиришда ушбу ижтимоий ҳужжатларнинг мавқеи беқиёс. Чунки бу ҳужжатларда нафақат кам даромадли оилаларнинг, балки барча фуқароларнинг орзу-истаклари ўз ифодасини топган.

Дарҳақиқат, ушбу Фармон моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатишнинг янги тури жорий этилди. Унинг янгилиги шундан иборатки, қайси оилани кам даромадли оилалар тоифасига киритиш мумкинлигини қишлоқ, овул, қўрғон, посёлка ва маҳаллалар фуқароларининг йиғини мустақил равишда белгилайди ҳамда моддий ёрдам кўрсатиш миқдорини тайинлайди. Ушбу Фармоннинг яна бир муҳим томони шундаки, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, уларнинг негизи маҳаллалар фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган.

Аҳолини муайян ижтимоий ҳимоялашга оид бундай тадбирни рўёбга чиқаришда Фармонда ўз-ўзини бошқариш органларига, хусусан маҳаллалар, уларнинг оқсоқоллари ва фаолларига нисбатан катта ишонч билдирганлигини, уларнинг зиммасига улкан масъулият билан бирга ўзига хос синов ҳам юкланаётганлигини чуқур ҳис қилмоғимиз лозим. Бизнинг тасаввуримизда ҳам бирон-бир мамлакат ҳаётида фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига бу даражада юксак ишонч билдирилмаган бўлса керак. Бу давлат билан халқ вакиллари ўртасидаги узвий яқинликнинг ўзгинасидир.

Маҳаллаларнинг жамиятимиз тараққиётидаги ўрни, оқсоқолларимизнинг адолат ва иймон билан иш тутишларига катта баҳо бериб Президентимиз халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида шундай деган эди: **«...Мен яна бир бор маҳалла фаолиятига аҳамият беришга, уларнинг даражасини кўтаришга даъват қиламан. Зеро, барчамиз маҳаллада ўсганмиз. Унинг нуфузини кўтариш билангина нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу сиёсат тарбиявий, улкан маънавий масаладир. Биз маҳаллаларга шу нуқтаи назардан қарашимиз лозим. Маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади, нега деганда энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳеч бир корхона, ҳеч бир давлат идораси ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайди. У ерда ҳаёт тажрибаси катта заминга яқин, кўпни кўрган, барча ишни жой-жойига қўя оладиган фидоий одамлар яшайди ва ишлайди».** Бундай юксак баҳо, ишончдан руҳланган, бу борада жуда катта масъулиятни ҳис қилган республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви ва унинг жойлардаги бўлим ҳамда бўлинмалари, барча маҳаллаларнинг оқсоқоллари, фаоллари замон талабларига ҳамоҳанг одим ташлаш учун бутун билим ва тажрибаларини ишга солмоқдалар. Фармон ва қарор бандларининг тўла бажарилиши учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Маҳаллалар йиғини қарори билан махсус комиссиялар фаолият кўрсатмоқдалар. Фикримизча ушбу комиссиялар таркибини туман ҳокимлиги тасдиқлаб берса, уларнинг нуфузи билан бирга масъулияти ҳам ошган бўлур эди.

Ҳозирги кунда жамғарма ўз атрофига ҳуқуқшуносларни, сиёсатчи ва ХДП тарғиботчиларини жипслаштириб, улар ҳамкорлигида қишлоқ, овул, қўрғонлардаги фуқаролар билан жонли мулоқотлар, учрашувлар ўтказяпти. Фармонни ҳар бир кишининг онгига етказишга интилишяпти. Бу ишда Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Марказий Кенгаши, республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази, республика Хотин-қизлар кенгаши, республика Уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши, ижтимоий уюшмалар фаоллари «Маҳалла» жамғармаси ҳамда ўз-ўзини бошқарув органлари билан ҳамкорлик қилишга киришдилар.

Яна шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви қошида бир гуруҳ ижтимоий соҳанинг етакчи мутахассис ва олимларидан иборат маҳалла ишининг фидойилари Президентимизнинг Фармонини ҳаётга жорий этишда ижтимоий адолат принципларига оғишмай амал қилишга хизмат қилувчи услубий тавсиянома ишлаб чиқдилар.

Кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатишда холисона иш юритиш билан бирга кўрсатилаётган моддий ёрдам фуқароларда боқимандалик кайфиятининг олдини олиш, улар қалбида ишчанликни, яратувчиликни уйғотиш йўлларини ҳам ўз ичига олади. Шунингдек, тавсияномада кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш жараёнида ҳар бир оиланинг, фуқаронинг маънавий оламига ўта сезгирлик билан ёндашиш хусусидаги фикрлар ҳам мавжуд.

Изчил иқтисодий сиёсат тараққиётимизнинг бош мезонига айланаётган ҳозирги шароитда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш фақат давлат ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидангина иборат бўлиб қолмаслиги керак. Бу, Фармоннинг 8-бандида ҳам алоҳида уқтирилган. Вазирликлар, ҳокимликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, корхоналар, ташкилотлар, хайрия жамғармалари ҳамда тадбиркорлик тузилмалари ҳам мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, ўз маблағлари ҳисобидан кам таъминланган оилаларга бутун чоралар билан қўшимча равишда моддий ёрдам кўрсатишлари лозим. Буни тўғри тушунган қатор вазирликлар, ҳокимликлар, уюшмалар, ташкилотлар, жамғармалар Президент Фармонини бажаришга киришдилар. Нафақат молиявий, балки моддий, маънавий жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатаётган Наманган, Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари, Тошкент шаҳри, унинг Мирзо Улуғбек, А. Икромов, Ҳамза, Шайхонтоҳур, С. Раҳимов каби ҳокимликлари, «Ўзбекмебель», «Ўзбексавдо» уюшмалари, «Тошкент чинни заводи», «Юлдуз» тикувчилик бирлашмаси, «Тошинтерм» кабиларни тилга олиш мумкин.

Ҳозир республикамизда 1430 та қишлоқ, овул, қўрғон ва посёлка йиғинлари бўлиб, улар таркибида 10271 та маҳалла бор. Шаҳарлардаги маҳаллалар сони эса 2136 тани ташкил этади. Улар 4 миллиондан ортиқ оилаларни ўз ичига олади. Албатта, уларнинг маълум қисми ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалардир. Саховатпеша ҳукуматимиз томонидан республика бюджетидан жорий йилнинг IV чораги учун муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш мақсадида 362 миллион сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган. Фармонда қайд этилганидек, фақат давлат бюджетигатина кўз тикиб туришимиз адолатдан эмаслигини барчамиз чуқур ҳис этаётганимиз табиийдир. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви ҳам ўз имкониятларидан келиб чиқиб, фақат даромад ҳисобидан йил охиригача кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун 100 минг сўм миқдорида пул ажратишга қарор қилди. Бошқарувнинг бу ташаббусини яқинда бўлиб ўтган раёсат йиғилиши мамнуният билан қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви ва унинг жойлардаги бўлим ҳамда бўлинмалари аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг бош ташаббускори республикамиз ҳукуматига доимо камарбаста бўлиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Фаолларимиз Фармонни амалга оширишда ҳар жиҳатдан намунали иш тутишларига ишонамиз, бу борада маҳаллаларимиз ва оқсоқолларимизнинг тажрибаси етарли.

Шукур ТЕМУРОВ,
республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқарувининг ранси, ЎзХДП МКнинг аъзоси,

Кабир КОМИЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, республика «Маҳалла» жамғармаси раёсати аъзоси, ЎзХДП аъзоси,

Неъматжон ҲАСАНОВ,
республика «Маҳалла» жамғармаси Ҳамза тумани бўлинмаси ранси, ЎзХДП Тошкент шаҳар нжроия кенгаши аъзоси.

Банклар ишбилармонларга юзланмоқда

ИККИ ҚАДАМ ОЛҒА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони республикада ташкил топаётган ижара ширкат уюшмалари ва фермер хўжаликларининг фаолиятини самарали юритишга катта мадад бўлмоқда. Фармонни турмушга татбиқ этиш бўйича республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ фақат хусусийлаштирилган чорвачилик фермалари ва деҳқон-фермер хўжаликларига шу йилнинг ўзидаёқ давлат ресурсларидан 145 минг тонна дизель ёқилғиси ва 56 минг тонна бензин, 100 минг тонна омухта ва 43 минг тонна шелуха ва кунжара ажратилди.

Уларни ер майдонлари билан таъминлаш изчил амалга оширилмоқда.

Банк ходимларининг фикрича, қишлоқ хўжалигида фермерликни ривожлантириш — аграр соҳада икки қадам олға кетиш демак. Дарҳақиқат, йилдан-йилга банкдан кредит устига кредит олавериб инқирозга учраётган жамоа ва давлат хўжаликлари ўрнида иқтисодий муносабатларни бозор талабларига мос ҳолда қайта қуриш учун бел боғлаган ижара-ширкат уюшмалари ва фермер хўжаликлари пайдо бўлмоқда. Уларнинг ишида олға силжишлар рўй беряпти. Буни қуйидаги мисолда кўриш мумкин.

Қачонлардир донғи чиққан, нафақат Андижон вилоятида, балки республикада машъал хўжаликлардан ҳисобланган Бўз туманининг Манноп Жалолов номли давлат хўжалиги пахта, сут, гўшт, пилла, полиз, мева ва узум етиштиришга ихтисослашган. Хўжаликда ҳар йили давлат ҳисобидан болалар боғчалари учун 800 минг сўм, қурилиш ишлари учун 1,5—2 миллион сўм миқдорида маблағ олар эди.

Техника, ўғитлар, уруғлик ва бошқа хўжалик учун зарур бўлган воситаларни сотиб олиш учун эса давлат томонидан кредит ажратиларди. Устма-уст олинган давлат қарзлари хўжаликни иқтисодий томондан заифлаштира борди. Ва ишлаб чиқариш жараёни издан чиқди. Ҳосилдорлик пасайиб кетди.

Иқтисодий кўрсаткичларнинг бундай аҳволи хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари олдига мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, уни бошқа шаклга ўтказиш, умуман, иқтисодий муносабатларни бозор талабларига мослаган ҳолда қайта қуриш вазифасини кўндаланг қилиб қўйди.

Шу муносабат билан 1992 йил бошида Манноп Жалолов номидаги ширкат хўжаликлар уюшмаси тузилди. Бу уюшма мулкчиликнинг янги ижара ширкати ва ижара муносабатларига асосланади. Унинг таркибида 18 та ширкат бор.

Уюшма ва унинг таркибидаги ижара ширкатлари ўзлари олган даромадлари билан ўзларини таъминлаш асосида фаолият кўрсатмоқдалар. Даромадларнинг асосий манбаи — маҳсулот сотиш ва хизмат кўрсатиш йўли билан топилган пуллар. Шу ҳисобдан барча ишлаб чиқариш харажатларини қоплашмоқдалар. Фойда олмоқдалар. Уюшма таркибидаги ҳар бир ижара ширкатининг марказда пул маблағи тушиб турадиган шахсий ҳисоби мавжуд. Шу орқали турли тўлов ва харажатлар учун операциялар қилинмоқда. Буларнинг муваффақиятли ўтишига туман агросаноат банки ёрдамлашяпти. Туман банкирлари охирги икки йилда уюшмага 5742 минг сўм ссуда бердилар.

Шу кунга келиб кўрсаткичлар ёмон бўлмаяпти. Чорвачиликда аҳвол яхшиланди. Қорамоллар сони 204 бошга, жумладан, соғин сигирлар 69 бошга етди. Хўжаликда етиштирилаётган мева, полиз ва сабзавотнинг ҳосилдорлиги 50 фоизга кўпайди. Ҳар бир гектар ердан олинадиган пахта ҳосили ортди. Натижада уюшма бўйича умумий ишлаб чиқариш жараёнидан 1993 йилда 213 миллион 489 минг сўм-купон фойда олинди.

Мулкчиликнинг янги шакли ўз афзалликларини кўрсатмоқда. Меҳнат жамоаси қайта оёққа турди. Бунда «беғараз ёрдамни бизга туман агросаноат банки кўрсатди», дейди уюшманинг бош ҳисобчиси Аббосхон Камолов.

Йўлдош ТОЖИБОЕВ.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ГАИТИГА ҲАМЛА АНИҚҚА ЎХШАЙДИ

● ГАВАНА. АҚШнинг Гаитига ҳарбий ҳамласи тобора аниқ бўлиб қолмоқда.

АҚШ ҳарбий кемаларининг Гаитига қарашли ҳудудий сув ҳавзаларида пайдо бўлиши бу мамлакат ҳукуматининг расмий эътирозига сабаб бўлмаган эса-да, давлат ҳамда ҳарбий раҳбариятнинг фавқулодда йиғилишларида муҳокама этилди.

Расмий маълумотларга қараганда, юз берган вазият муҳокамалари чоғида «Буюк давлатчилик иллатига йўлиққан АҚШнинг Гаитига қарши психологик уруши» Гаити ҳукумати ва халқининг иродасини бука олмаслиги, Гаити ҳарбий кучлари эса БМТ байроғи остидаги ҳарбий ҳамлани қайтаришга тайёр экани таъкидланмоқда.

ОГОҲЛАНТИРУВЧИ ЎҚҚА ТУТИЛДИ

● БАЙРУТ. Куни кеча Ливаннинг жанубидаги 16 қишлоқ атрофи ҳамда Ғарбий Бекаа районлари Исроил тўплари томонидан огоҳлантирувчи ўққа тутилди, деб хабар беради Ливаннинг «Ал-Ватания» ахборот агентлиги.

Исроил вертолётлари ўтган кунлар мобайнида «хавфсизлик ҳудуди» яқинида мунтазам учиб юрди. Исроил ҳарбий ҳаво кучлари қирувчилари жосуслик мақсадида Ливан ҳудудидан учиб ўтиб, Сайда ва Набатия шаҳарларига ясама таҳдид қилдилар.

Ливан миллий мудофаа вазири Муҳсин Даллул Жанубий Ливан районларига сафари чоғида сўзлаган нутқида ерли аҳолининг матонати ва Исроил босқинига қарши курашини юқори баҳолади. Унинг сўзларига қараганда, Байрут ташқи тазйиқларга қарамай, Жанубий Ливан партизанларининг қуролини тортиб олишни ва «Исроил жандарми»га айланишни истамайди.

ЯМАН РАҲБАРИНИНГ ТАШРИФИ

● ҚОҲИРА. Яман раҳбари Али Абдулла Солиҳ Уммон султонлиги билан ўзаро муносабатларни барқарорлаштириш, «Форс кўрфазидаги араб давлатлари билан дўстона алоқаларни тиклаш» учун султонликнинг Салала шаҳрига ташриф буюрди.

Маҳаллий шарҳловчиларнинг фикрича, Солиҳнинг Уммонга ташрифи Форс кўрфазидаги сиёсий-ижтимоий вазиятни барқарорлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Чунки султонлик Ямандаги фуқаролар урушида жанубликларни қўллаб-қувватлаган эди. Бунинг устига, жанубликларнинг собиқ раҳбари ва Солиҳнинг ашаддий душмани Али Салим Ал-Байд бугунги кунда Уммонда яшаётгани тахмин этилмоқда.

ТЎҚНАШУВ ОҚИБАТИ

● ДАККА. Куни кеча бу ерда полиция ҳамда намойишчилар ўртасида рўй берган тўқнашувда 200 дан ошиқ киши яраланди.

Халқ лигаси ва бошқа муҳолиф партия вакилларидан иборат намойишчилар ҳукумат биноларини эгаллаш мақсадида полициячиларга қарата тош ёғдирди. Ҳуқуқ-тартибот кучлари эса намойишчилар сафини ўққа тутди.

Бангладешдаги сиёсий бўҳрон шу йилнинг март ойидан бери давом этмоқда. Муҳолиф кучлар ҳукумат истеъфога чиқиб, муддатидан илгари парламент сайловлари ўтказилишини талаб қилмоқда. Бироқ Бангладеш бош вазири Холида Зиё Раҳмон муддатидан илгари сайловлар ўтказилмаслигини, ҳукумат ўз қонуний ваколатини 1996 йилга қадар сақлаб қолишини таъкидламоқда.

ТАСОДИФ ТУФАЙЛИ КУЧЛИ ПОРТЛАШ

● ЖАКАРТА. Шу йилнинг 31 августида Индонезия ядро тадқиқотлари марказида бўлган портлаш тасодиф туфайли рўй берганлиги аниқланди.

Полиция текширувларига кўра, сирқиб чиқаётган газ хизматчилар ташлаган папирос қолдиғидан аланга олган ва кучли портлаш юз берган. Натижада бир киши ҳалок бўлган, бир киши оғир жароҳатланган.

Марказни Германиянинг жаҳонга машҳур «Сименс» компанияси барпо этган эди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқлари таниб бўлмас даражада ўзгармоқда. Хўжаликларда кичик корхоналар, цехлар ишга туширилмоқда. Қишлоқ меҳнаткашлари учун кўплаб қулайликлар яратилмоқда. Демак, одамлар иш билан банд бўлишмоқда.

Бекобод туманидаги «Далварзин» жамоа хўжалигида ҳам кичик корхоналар сони кўпайиб бораётир. Бу ерда яқинда ишга туширилган новвойхона фикримизнинг ёрқин далилидир. Новвойхона ишга тушгач, қишлоқ аҳолиси севиниб қолди. Зеро севинмай ҳам бўладими? Чунки бу ерда кунига 600 донадан бўрсилдоқ нон ёпиляпти. Шунингдек, аҳолининг буюртмалари асосида ҳам нон маҳсулотлари тайёрланяпти. Қўли гул новвойлар эл дуосини олишга ҳаракат қилишяпти.

Суратда: моҳир новвойлардан Муқаддас Раҳматова билан Гулнора Эрматова иш устида.

Нўъмон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

• Эртага—Ўрмончилар куни

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг тарихимиз, авлоду аждодларимиз турмуш тарзи, маънавияти ва орзу-умидлари ҳақида тўла-тўкис, ҳаққоний маълумотлар ола бошладик. Буюк бобокалонимиз Амир Темурни бизга босқинчи, зулмкор хоқон сифатида тақдим этган бўлсалар-да, унинг улуғ саркарда эканлигини шўролар пайтидаёқ билардик ва ич-ичимиздан фахрланардик. Самарқанд атрофида Боғишамол, Боғи баланд, Боғизағон каби ўнлаб мевазор боғлар, кўнгилочар яшил масканлар бунёд этган беқиёс соҳибкор эканлигини кўплар энди билишмоқда.

ЯШИЛ ЎЛКА— ЯШНАР ЎЛКА

Самарқанд аҳли ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳозир ана шу маълум-машҳур боғларни қайта тиклашдек хайрли ва олижаноб ишларни бошлаб юборишди. Катта Ўзбек тракти бўйлаб азим шаҳарга кираверишда ҳозир ҳафсала билан экилган мевали дарахт ниҳоллари гуркираб ўсяпти. Уч-тўрт йилдан сўнг улар мевага кириб, Самарқанд боғларининг қадимий таровати яна тилларга тушса ва шу тўкинлик ила Амир Темур руҳи шод бўлса ажабмас.

Тарихий манбаларда қайд қилинишича, ота-боболаримиз табиатни Она каби ардоқлаганлар. Ўзларини унинг фарзанди, бир бўлаги деб билганлар. Умуман табиатни, ҳар бир жонзод ва ҳар бир нав-ниҳолни эъзозлаш шарқона тарбиянинг асосини ташкил этади. Турар-жойларимизни сўлим гўшаларга айлантириш истаги ўша муносабатнинг қалбимиздаги инъикосидир.

Лекин кейинги юз йил ичида биз шарқона, ўзбекона урфларимиз қатори табиатга муҳаббатимизни ҳам унутиб, атроф-муҳитга беписанд назар билан қарай бошладик. Ўзимиз дов-дарахтларимизни аёвсиз қирқиб, табиатга қақшатғич зарба беравердик.

Минг шукрлар бўлсинки, энди ўзимизни англаб, еру сувимиз, яшаш тарзимиз, туриш-турмушимиз, хўжалигимизни тартибга соляпмиз. Қадимий муқаддас анъаналар тикланаётганлиги айниқса қувонарли. Кейинги уч йил ичида республикамиз ҳудудида минглаб гектар мевали ва манзарали боғлар бунёд этилганлиги, «яхшидан боғ қолади» деган ақидага содиқлигимиз она табиатга яна меҳру муҳаббат билан қараётганлигимиздан дарак беради.

Республикамиз ўрмонлари атиги икки миллион гектар майдонни эгаллаган бўлса ҳам уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти катта. Ўрмонлар сувни бир меъёрда сақлайди. Тупроқ емирилишини, сел, тошқин хавфининг олдини олади. Экинзорларни кучли шамол ва гармселлардан ҳимоя қилади. Қум кўчишларининг йўлига ғов бўлади. Халқ хўжалигига ёғоч-тахта ва мева-чева, дори-дармон етказиб беради. Чорвачилик, асаларичилик билан шуғулланишга қулай имкониятлар яратади.

Шу йилнинг саккиз ойи мобайнида ўрмончилар 9,5 минг гектар майдонда янги ўрмонзорлар барпо қилиш ва тиклаш ишларини бажардилар. Йил охиригача ўрмон фонди ерларида 30 минг гектар янги ўрмонзорлар ташкил этилди. Айниқса, чўл яйловларида ўрмонлар барпо этишга жиддий аҳамият берилаётир. Жорий йилнинг куз ва қиш ойларида 6,4 минг гектар чўл яйловларида уруғ сепиш ишли билан иҳота ўрмонлари ташкил этиш мўлжалланган.

Республикамизда дов-дарахтлар экишга эътибор кучайганлиги сабабли ўрмон хўжаликлари мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етиштириб 300 гектарда янги кўчатзорлар ташкил қилинди. Бу йил эллик миллион дона мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етказиб берилади.

Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятлари ўрмончилари кўчма қумларни мустаҳкамлаш, Орол денгизи ўзанида ва Ороллдаги ҳудудларида яшил масканлар барпо этиш мақсадида улкан ташкилотчилик ишларини олиб боришаётир. Шу йилнинг ўзида ушбу ҳудудда 25000 гектар ерга саксовул уруғи ва бошқа дарахт кўчатлари экиш ишлари бажарилди. Келгусида Орол денгизи қирғоқларида 600 минг гектардан ортиқ ўрмонзор ташкил этиш режалаштирилган.

Табиатни қўриқлаш, табиий бойликларни асраш ишлари дунёдаги барча мамлакатларда ҳам давлат тасарруфида амалга оширилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ўрмончилар ҳукумат ғамхўрлигини амалда ҳис эта бошладилар. Узоққа бормай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 8 февралдаги «Саноат теракчилигини ривожлантириш ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорлар барпо қилишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини олиб кўрайлик Республика аҳолисини ва ишлаб чиқариш корхоналарининг қурилишбоп ёғоч ва тахтага бўлган эҳтиёжини қондиришда ушбу қарорнинг ўрни беқиёс. Қарорда ҳар қатор ўрмон хўжаликлари бу борада алоҳида намуна кўрсатмоқдалар. Ҳар йили теракзорлар кўпайиб бораверса, 5—6 йилдан сўнг республикамизда ёғоч материаллари танқислиги бартараф этилиши шубҳасиз.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ўрмон хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам кўпайиб бормоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси корхона ва ташкилотларида 150 хилдан зиёд халқ истеъмол товарлари ва саноат хом ашёси ишлаб чиқарилмоқда.

Қўмита Хитой, Франция давлатлари билан ҳамкорликда доривор ва озуқабоп ўсимликлардан маҳсулот ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар ташкил этиш борасида иш олиб бораётир.

Андижон ўрмон хўжалиги қошида ташкил этилган Р. Абдуллаев раҳбарлик қилаётган кичик корхона ишчилари новдалардан тўқима креслолар, турли саватлар, ликопчалар, гулдонлар тайёрлашмоқда. Бу маҳсулотлар харидоргирлиги билан ажралиб туради. Самарқанд ўрмон хўжалиги бошқармасига қарашли «Муҳаммадали» кичик корхонаси ҳам халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда таҳсинга сазовор ишлар қилмоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ўрмонларни қўриқлаш, кўпайтириш ишлари асосан давлат бюджети ҳисобига амалга оширилмоқда. Бироқ бозор иқтисодиёти шароитида фақат давлат маблағига кўз тикиб ўтириш инсофдан эмас. Шу боисдан ҳам қўмита жамоаси ўрмон бойликларидан оқилона фойдаланган ҳолда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмини тобора кенгайтириш устида тинимсиз ҳаракат қилмоқда.

Ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга интилиш жараёнида биз ҳали кўп имкониятлар мавжудлигини кўряпмиз. Қўмита тизимларида аҳолига дарахт ниҳоллари ва уруғлари, ўғит, доривор ўсимликлар, ўтин, ёғоч етказиб берувчи ширкатлар ташкил этишни давом эттирамиз.

Аммо, калтакнинг икки учи бўлади, деганларидек, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида айрим хўжасизлик ва пала-партиш ишларга ҳам йўл қўйилмоқда. Масалан, бизни ташвишлантираётган нарса доривор ва озуқабоп ўсимликлар тайёрлашга ёппасига киришиб, уларнинг заҳиралари камайтириб юборилаётганлигидир. Ўрмон хўжаликларида бу иш қатъий назорат остида олиб борилади ва айрим доривор ўсимликлар махсус кўпайтирилмоқда. Бироқ бу иш билан шуғулланаётган бошқа ташкилотлар табиатни шафқатсизларча талашмоқда, дейиш мумкин.

Табиатни муҳофаза қилиш фақат ўрмончиларнинг эмас, балки республикамиз барча аҳолисининг жонажон бурчи бўлиб қолиши керак. Бошқа давлатлар сингари бамайлихотир фойдаланиш учун шовуллаб ётган ҳудудсиз ўрмонлару яйловларимиз йўқ. Шу боисдан ҳам ўрмонлару тўқайзорларимизга болта кўтариб киришдан олдин, камида беш-ўн йил соҳибкорлик қилайлик, кўчат экиб, парваришлайлик. Ана шундан сўнг табиат ўз неъматларини бизга саҳийлик билан инъом этади.

Абдушукур ХОНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси ранси.

Душанба, 19

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Бонг". Спорт кўрсатуви.
18.45 "Хазинамиз таянчи".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Осойишталик посбонлари". Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади...
20.10 "Жаҳон мусиқаси дурдоналари". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шуҳрат Йўлдошев.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Шараф Бошбеков. "Тақдир эшиги". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.30—23.55 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"Тошкент" студияси таништиради:

"Душанба" адабий-бадиий видеоканали:
19.50 "Полапон".
20.10 "Мушоҳада".
20.35 "Фалакнинг гардиши".
21.00 "Қалбга санчиб шеъриятнинг пичоғини..."
21.25 "Студиямиз меҳмони".
21.50 "Шунчаки саргузашт".
22.15 "Ҳафтанома".
22.45—23.50 "Тўтиқушли хоним". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
*
19.30 "Мульткарусель".
*
19.40 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
*

"ОМАД" таништиради:

20.40 "Совга".
21.10 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
21.30 "Суперспорт".
22.00 Эълонлар.
22.10 Видео — "О".
23.50 Эълонлар.
24.00 — 00.10 "Курьер".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 "Эркак ва аёл".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Спорт уик-энди".
20.45 "Трагиклар ва комедиантлар". А. П. Чехов номидаги Москва Бадиий академик театрининг фильм-спектакли. Муаллиф — В. Арро.

Сешанба, 20

ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 "Санников ери". Бадиий филм.
10.00 "Томоша". Фильм-концерт.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 Немис тили.
11.20 "Тошкент жилолари". Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
12.00 Ёшлар куйлаганда.
12.30—13.00 Янги алифбони ўрганамиз.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. "Қувноқлар даврасида".
18.35 "Ёшлик" студияси. "Адолат". Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Навоийхонлик". Адабий кўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Тошкент бўйлаб мусиқий саёҳат".
21.55 Телевизион театр почтаси. "Сўнгги ўқ" видеофильми ҳақида.
23.15—23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:

19.50 "Мультфейерверк".
20.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
21.00 "Видеогид".
21.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
22.00 — 24.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.00 —19.30 Туркия телевидениеси.
*
19.30 "Мульткарусель".
*

"Тошкент" студияси таништиради:

19.40 "Эсдалик учун дастхат".
20.10 "Менинг кўчам".
20.25 "Ҳар соҳадан бир шингил".
20.45 "Антенна".
21.25 "Кинематограф". Чарли Чаплин фильмлари.
22.35 — 22.45 "Хотима".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".
***
18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 "Мавзу".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Илк манбадан".
20.40 "Гол".
21.10 1994 йил қўшиқлари.
21.55 — 23.45 Галабанинг 50 йиллигига. "Тирикларни чорлайман...". Бадиий фильм "Ягона йўл" ("Мосфильм", Югославия, 1974 й.).

Чоршанба, 21

ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 "Катта бўлишни хоҳламайман". Бадиий фильм.
9.55 "Ўқитувчилар, Сизлар учун!".
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника.
11.00 "Ўорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.15 Алифбо сабоқлари.
11.45 Лирик концерт.
12.15—14.15 "Нурли келажак". Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Ўсмирлар учун. "Фарзанд — умид юлдузи".
18.50 "Ҳуқуқий жамият сари".
19.20 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Мусиқий дақиқалар.
20.10 "Тилга эътибор".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессияси олдидан.
22.10 Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови.
23.10—23.35 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"Тошкент" студияси таништиради:

19.50 "Қардошлик оиласида".
20.25 Хор куйларидан концерт.
20.55 Зариповлар сулоласи цирк майдонида.
21.35 "Ўзбекистон спорти" (рус тилида).
22.05—23.40 "Беором кун". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
*
19.30 "Мульткарусель".
*
19.40 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
*
20.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
*

"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

21.30 "Дидар" (қозоқ тилида).
22.10 "Би-Би-Си" янгиликлари (инглиз тилида).
22.25 "Мусиқий саёҳат".
22.55 "Уммондан томчи".
23.25 АҚШда кичик бизнес.
23.55 — 00.10 "Си-Эн-Эн" янгиликлари (инглиз тилида).

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".
***
18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 В. Висоцкий хотирасига бағишланган кеча.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Монолог".
20.40 — 23.10 Э. Рязановнинг "Каромат" бадиий фильми премьераси.

Пайшанба, 22

ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 "Қалъа жавоб берди". Бадиий фильм.
10.00 Шифокор экрани.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 "Ўорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.15 Инглиз тили.
11.45 — 14.15 "Гул бир ён, чаман бир ён". Мусиқий видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтой" студияси. "Ором".
18.40 Дутор ва танбур тароналари.
19.15 Футбол шарҳи.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Илҳом" телевизион клуби.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессиясида.
23.30 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти.
23.55—00.20 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:

19.50 "Омад" тақвими.
19.55 "Жозиба".
20.20 "Бир шингил ҳангома".
20.30 "Муҳаббатга ошно қалблар".
20.50 Видео янгиликлари.
21.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
22.00—24.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
*
19.30 "Мульткарусель".
*
19.40 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
*

"Тошкент" студияси таништиради:

20.30 "Бутун олам — театр".
21.00 "Дискотека". Нон-стоп.
22.00 "Бош мухбиримиздан..."
22.20 "Дискотека". Нон-стоп.
23.20 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Навбаҳор" — "Политотдел". 2-тайм.
00.10 — 00.20 "Хотима".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".
***
18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 "Киноюлдуз". Ален Делон. Кўрсатувни С. Жигунов олиб боради.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Москва — Кремль".
20.55 — 22.45 Ален Делон "Кристина" бадиий фильмида (Франция, 1958 й.).

Жума, 23

ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 "Ошиқ бўёқчи ҳақида эртак". Бадиий фильм.
9.50 "Ёшлик" студияси. "Сирли остона".
10.30 Ўқув кўрсатуви. Тарих.
11.00 "Кўнгил кўзгуси". Адабий кўрсатув.
12.00 Немис тили.
12.20 "Қалбим гавҳарисан, муҳаббат". Мусиқий кўрсатув.
12.55 — 13.25 "Ғурур".
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ёшлик" студияси. "Ғазалхон ёшлигим".
18.45 "Шеърий дақиқалар". Хусниддин Шарипов.
18.55 "Ислоҳот мевалари".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Телеоператор нигоҳи билан..."
20.10 Илҳом Иброҳимов куйлайди.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессиясида.
23.30 "Юртимиз зиёси". Республика энергетикасининг 60 йиллигига бағишланган кўрсатув ва концерт.
00.30 —00.55 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"Тошкент" студияси таништиради:

19.50 "Ўтмишсиз келажак йўқ".
20.30 "Билиб қўйган яхши".
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 "02" тўлқинида.
21.50 "Деҳқон ҳиммати".
22.20 "Экология ва ҳаёт".
22.50 — 00.10 "Табор кўкка йўл олади". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
*
19.30 "Мульткарусель".
*
19.40 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
*

"ОМАД" таништиради:

20.30 "Рок ҳақида".
21.00 "Суперспорт".
21.30 "Даракчи".
21.40 "Юлдуз".
22.10 Эълонлар.
22.20 — 24.00 Видео — "О".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".
***
18.00 "Ҳафтанинг машҳур кишиси".
18.20 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.50 "Мўъжизалар майдони".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 А. И. Солженицин билан учрашув.
20.50 "Детективлар клуби"да. "Сан-Франциско кўчалари". Телесериал. 3-серия.
21.50 "Матбуот-экспресс".
22.05 — 22.55 "Взгляд" А. Любимов билан.

Шанба, 24

ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 Эстрада тароналари.
9.00 "Кинокўзгуда — ҳаёт". Кинокўрсатув.
9.30 Футбол майдонларида.
10.30 "Қувноқ учрашувлар". Тоҳир Миралиев.
11.30 "Аждодлар мероси — хазина".
12.00 "Ҳуқуқингизни биласизми?"
12.20—14.20 "Тимсол" видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Қўшиғим, жон қўшиғим".
18.50 "Санъат олами".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Спорт хабарномаси.
20.00 Ёш хонандалар ижросида мумтоз ашулалар.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Назм ва наво". Чустий лирикаси.
22.30 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

9.00 "Мультфейерверк".
9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
10.10 "Видеогид".
10.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
11.10 "Кинонигоҳ".
13.00 "Омад" тақвими.
13.05 "Жозиба".
13.30 "Бир шингил ҳангома".
13.40 "Муҳаббатга ошно қалблар".
14.00 Видео янгиликлари.
14.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
15.10 "Кинонигоҳ".
***
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"Тошкент" студияси таништиради:

19.50 Болалар учун. "Табассум".
20.30 "Эсдалик учун дастхат".
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 "Антенна".
21.55 "Менинг кўчам".
22.10 "Шаҳар тун оғушида".
22.30 — 00.40 "Кинематограф". Чарли Чаплин фильмлари.

ЎзТВ III

10.00 "Қаҳрамон Дадаев ижро этади". Фильм-концерт.
10.30 "Бизнен мирас" (татар тилида).
11.10 "Кашфиётлар ва ихтиролар".
11.50 И. Савин, Ж. Тошинов. "Кўчада юрган фақир". М. Ауэзов номидаги Қозоқ Давлат академик драма театрининг спектакли.
14.05 "Ёшлар ижоди". Нигора Раҳимқулова куйлайди.
14.35 — 14.50 "Телеоператор нигоҳида". Сан-Диего.
***
18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
*
19.30 "Мульткарусель".
*

"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

19.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.05 "Вариацияли мавзу".
20.45 "Дўстлар планетаси".
21.25 "Би-Би-Си" янгиликлари (инглиз тилида).
21.40 "Ўзбекистон — қадрдон уйимиз".
22.20 "Етти иқлим садоси".
22.50 "Си-Эн-Эн" янгиликлари (инглиз тилида).
23.05 Барча юлдузлар. Луи Армстронг.
23.50 — 00.10 "Бу ажиб дунё".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.10 "Ўшангача ва ундан сўнг".
19.00 Олег Басилашвилининг кузги марафони.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.45 — 23.05 "Коламбия пикчерс" таништиради. "Шунга қарамасдан". Бадиий фильм.

Якшанба, 25

ЎзТВ I

7.00—9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 "Яшил чироқ". Ёш йўл назоратчиларининг слёти ҳақида.
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 85 — 86-сериялар.
12.00 "Шоҳрух" клуби.
12.30 "Биргаликда куйлаймиз".
13.00 "Марду майдон". Хоразм вилоятидан кўрсатув.
14.00 — 15.30 Футбол бўйича УЕФА кубоги. "Витесс" (Голландия) — "Парма" (Италия).
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Цирк! Цирк! Цирк!"
18.45 "Санъат маскани". Телефильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ҳафтанома" (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 "Мультипанорама".
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ҳафтанома".
21.00 Эълонлар.
21.05 "Ойнаи жаҳонда..."
21.25 "Якшанба оқшомида". Мусиқий кўрсатув.
22.00 "Ватанни севмоқ иймондандир..."
23.00 — 23.30 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

17.00 "Совга".
17.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
17.45 "Суперспорт".
18.15 Эълонлар.
18.20 Видео — "О".
19.55 Эълонлар.
20.00 "Курьер".
20.20 "Эм-Ти-Ви"дан мусиқалар.
20.50 "Суперспорт".
21.25 "Даракчи".
21.35 Эълонлар.
21.40 — 23.20 Видео — "О".

ЎзТВ III

10.00 Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови (такрор.).
11.00 "Ташрифлар ва таклифлар". Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида.
11.20 "Интердиалог".
11.50 "Шимоллик келин". Бадиий фильм.
13.05 "Арирон". Корейс тилида кўрсатув.
13.35 — 13.50 "Телеоператор нигоҳида". Сан-Франциско.
***
18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
*
19.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
*

"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

20.30 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.55 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан".
21.30 "Би-Би-Си" янгиликлари (инглиз тилида).
21.45 "Дунё ва биз". Ўзбекистон — Франция.
22.15 "Ҳафтанома".
22.45 "Мусиқий саёҳат".
23.15 "Спорт, спорт, спорт".
23.25 "Си-Эн-Эн" янгиликлари (инглиз тилида).
23.40 — 24.00 "Бу ажиб дунё".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.10 "Мусиқий жилолар".
18.30 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.45 "Баскетбол жазаваси", "Ҳақиқий ажина овловчилар". Мультфильмлар.
19.45 "Бомонд".
20.00 "Парнас сари босқич". IV Москва халқаро телевизион мусиқий фестивали.
20.25 Ален Делон "Ўтиш" бадиий фильмида ("КТВ-I" ҳамда "Франс интернасиональ" канали).
22.00 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви.
22.50 — 23.30 "Бир боқишда муҳаббат".

КЎЧМАС МУЛК—БУ ЎЛМАС САРМОЯДИР

УНИНГ СОҲИБИ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ, НАВОИЙ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОШҚАРМАСИ 1994 ЙИЛ 1 ОКТЯБРДА НАВОИЙ ШАҲРИДА ЎТКАЗАДИГАН КЎЧМАС МУЛК БЎЙИЧА КИМ ОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ! САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

«НАВОИЙ» МЕҲМОНХОНА КОМПЛЕКСИ

Навоий шаҳар Халқлар Дўстлиги кўчасида жойлашган 7 қаватли бино «Сармиш» ресторани билан. Бир йўла 380 кишига хизмат кўрсатади.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 3 миллион сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН «САВДО МАРКАЗИ»

Навоий шаҳар Мир кўчасида жойлашган 2 қаватли бино, ертўласи билан. Хизмат кўрсатиш майдони — 650 кв. м., 100 кишилик ошхонаси билан.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 1 миллион сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН КОМПЛЕКС БИНОСИ

Навоий шаҳар Мир кўчасида жойлашган. 2 қаватли бино, умумий майдони — 870 кв. м. Қурилиш таркибида почта, жамғарма банки, дорихона қурилиши мўлжалланган.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 500 минг сўм.

11-СОНЛИ ДУКОН

Хатирчи туман К. Раҳматов жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган, замонавий услубда қурилган 1 қаватли бино, 3 та алоҳида зали мавжуд. Орқа томонида омборхоналари бор.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 45 минг сўм.

«ОРОМ» ҚАҲВАХОНАСИ

Бир қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган бино, бир йўла 50 хўрандага хизмат кўрсатади. А. Қобилов жамоа хўжалигининг гавжум жойида жойлашган.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 50 минг сўм.

3-СОНЛИ ҲАММОМ

1992 йилда пишиқ ғиштдан қурилган, 1 қаватли бино, 3 гумбазли. Бир йўла 30 кишига хизмат кўрсата олади.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 25 минг сўм.

«КЕМПИНГ»га МУЛЖАЛЛАНГАН ДАЛА ШИПОНИ

Бухоро — Навоий йўли ёқасида жойлашган 2 қаватли бино. Атрофида фойдаланишга яроқли ери мавжуд. Электроэнергия билан таъминланган.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 15 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН 6-2 СОНЛИ КОТТЕЖ-УЙ

Навоий шаҳри, Гулистон массивида жойлашган, умумий ер майдони 0,04 га. Қурилиш майдони — 150 кв. м. Яшаш майдони — 98 кв. м.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 15 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН 6-3 СОНЛИ КОТТЕЖ-УЙ

Навоий шаҳар. Гулистон массивида жойлашган, умумий ер майдони 0,04 га. Қурилиш майдони — 150 кв. м. Яшаш майдони — 98 кв. м.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 15 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН 6-4 СОНЛИ КОТТЕЖ-УЙ

Навоий шаҳар. Гулистон массивида жойлашган, умумий ер майдони — 0,04 га.
Қурилиш майдони — 150 кв. м. яшаш майдони — 98 кв. м.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 15 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ЧОЙХОНА

Умумий қурилиш майдони 600 кв. м., икки томони айвон, ёнида 6 сотих ери мавжуд. Бинонинг қурилиш-монтаж ишлари 90 фоизга бажарилган.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 45 минг сўм.

МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

(43622) 37-292;
(3712) 68-17-55.

Агар Сиз ҳосил (узум, олма, олҳўри, қовун, пиёз, бақлажон)ни яхши сақламоқчи бўлсангиз, конвентив қуритгични сотиб олинг.

Унумдорлиги соатига 1 тонна. Монтаж қилиб, тўла фойдаланишга топширамиз .Олдиндан ҳақ тўланади. Харидорнинг ўзи олиб кетади.

Маълумотлар учун телефон: 68-86-53.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ЕШЛАРНИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА КИРИШ УЧУН ТЕСТ СИНОВЛАРИГА ТАЙЁРЛАЙДИГАН 10, 8, 6, 3 ва 1 ОЙЛИК ПУЛЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Пуллик курслар институтнинг органик, анорганик ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси факультетларига кириш учун тест синовларига тайёрлайди.

Пуллик курсларга ўрта маълумотга эга бўлган ёки ўрта мактабнинг 11-синфида ўқиётганлар қабул қилинади.

Қўшимча маълумотларни олиш учун қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур кўчаси, 10-уй, 37-хона. Тел.: 41-03-60.

ЭЪЛОН

«Ўзқурилишконструкция» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «2-Тошкент темир-бетон заводи» давлат корхонаси «Ўзсаноатфуқароқурилиш» 2-Тошкент темир-бетон заводи типидаги очиқ ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди.

Меҳнат жамоаси сотиб оладиган мулк ҳиссаси акциялари бўйича ёпиқ тарзда рўйхатдан ўтказиш бошланди.

• Юрган дарё...

Малайзияда биз ўзимизни эртаклар оламига кириб қолгандек ҳис қилдик. Туб аҳолиси малайя, хитой ва ҳиндлардан ташкил топган Малайзиянинг пойтахти Куала Лумпур ўзининг баланд қаватли бинолари, тозалиги ва яшиллиги билан бизни ўзига ром этди.

Бу гўзал диёрга ташрифимизнинг боиси Малайзия ҳукуматининг қарорига биноан шу йил 17 июнь куни «Бутунжаҳон Ислом тараққиёти —94» фестивали муносабати билан очилган кўргазмада қатнашиш эди. 31 октябргача давом этадиган ушбу фестивалга жаҳоннинг ўттизга яқин мамлакати таклиф этилган. Ислом маркази мажмуидаги Миллий масжид ҳудуди ва Миллий музей биносида кўргазмалар ташкил этилди. Фестивалнинг асосий мақсади ислом динини мамлакатларнинг тарихи, маданияти, санъати ёрдамида тарғиб қилиш, турли давлатларнинг дин пешволари билан яқиндан танишиш, келажакда дин соҳасида ҳамфикр бўлишдан иборат эди. Айниқса, анжуманнинг очилиш куни кўплаб меҳмонлар қалбида бир умр га муҳрланиб қолди. «Зарафшон» ашула ва рақс дастаси рақсларидан ижросида катта концерт дастури ва ўзбек ошпазлари тайёрлаган палов, патир нонлар, сомсаларни татиган меҳмонлар ўзбек миллий рақс санъатига ва миллий овқатларига юксак баҳо бердилар.

Фестиваль маъмурияти уч ёшга қадам қўяётган республикамиз обрўсини жойига қўйиб, биз учун кўргазмалар майдонининг энг тўридан жой ажратдилар. Фақат ўзбекистонлик мутахассисларга беш юлдузли «Экваториаль» меҳмонхонасидан жой берилиб, иккита павильон ажратилди. Бош павильондан ўрин олган, Ўзбекистондан келтирилган «Қуръон» китоби кўпчиликни ўзига жалб этмоқда.

БИР САФАР ҲАЙРАТИ

Республика санъат музейидан миллий мусиқа асбоблари, зардўзи маҳсулотлари тарих музейидан чеканка идишлар экспонатлар қаторидан жой олган. «Усто» бирлашмасининг қўли гул усталарининг сопол ёғоч ўймакорлик, миллий тақинчоқлар, ҳаттотлик санъати маҳсулотлари меҳмонларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Кўпчилик меҳмонларнинг ҳурматига сазовор бўлган «Усто»нинг ажойиб устаси Сирожиддин Раҳматуллаев яратган лавҳ, қутичалар, столлар ва панжара меҳмонларни лол қолдирди. Кўплаб чет эллик ишбилармонлар Сирожиддин билан ҳамкорликда ишлаш истагини билдирдилар. Устага буюртмалар бериб, Малайзияда дўкон очишни илтимос қилдилар. Таклифлар китобида Сирожиддиннинг номига мақтовлар ёғилди. «Усто» бирлашмаси бош раҳбари Абдураҳим Умаров ва бош мутахассис-санъатшунос Феруза Турғуновалар Парижда бўладиган халқаро кўргазмага унинг номзодини тавсия этдилар.

Кўпчилик малайзияликлар республикамиз ҳақида деярли ҳеч нарса билишмайди. Биз Ўзбекистон ҳақида керакли маълумотлар бердик, у билан яқиндан танишиш, қўшма корхоналар тузиш, тижорат қилиш истаклари бор малайзияликларни диёримизга таклиф этдик.

Маҳмуда ИСМОИЛОВА,
«Узэкспомарказ» ходими.

• Ҳодиса

ТУТУН ОРАСИДАГИ БОЛАЛАР

Кеч соат 18 дан 24 дақиқа ўтганда Урганч шаҳар 1-махсус ҳарбийлашган ўт ўчириш қисмига шошилинч хабар келди. Унда айтилишича, Гурлан кўчаси 41-уйнинг 18-хонадонида ёнғин пайдо бўлган.

Бу хабар ўт ўчириш қисми ходимларини оёққа турғазди. Хоразм вилоят ИИБнинг ёнғиндан сақлаш бўлими ўт ўчириш штаби бошлиғи ёрдамчиси, ички хизмат катта лейтенанти Одилбек Изимбетов раҳбарлигида ўт ўчирувчилар воқеа содир бўлган жойга етиб келишди. Хонадон эшигидан бурқсиб чиқаётган тутун ўт ўчирувчиларни янада хушёр торттирди.

— Ичкарида болалар бўлиши мумкин,— ҳаётирланди қўшни уйда яшовчи Ольга Полозова.— Онаси ҳамиша ёлғиз қолдириб кетарди. Уларни ичкаридан олиб чиқай десам, уй эшиги қулф. Нима қилишимни билмай сизларга хабар қилдим.

Ўт ўчирувчилар эшикни бир неча маротаба таққиллатишди. Аммо ичкаридан ҳеч кимнинг овози эшитилмади. Ахири улар эшикни бузиб ичкарига киришга мажбур бўлишди. Бир хонали уй. Аччиқ, нафасни бўғувчи тутун хонани батамом қоплаб олган. Тўрт яшар Темур ва уч яшар Нигора Ашировалар ҳеч нима сезмаганден қўлидаги гугуртни ўйнаганча чалқанча ётишарди. Ўт ўчирувчилар О. Изимбетов ва З. Қурёзовлар зудлик билан болаларни ташқарига олиб чиқишди. Сўнгра хона деразаларини очиб, бурқисиб тутаётган уй тўшовларини ўчиришди.

— Бу уйда Саломат Аширова икки нафар фарзанди билан ёлғиз яшайди,— дея тушунтира бошлади маҳалла оқсоқоли Қўзибой ака Султонов.— Она доимо болаларини ёлғиз ташлаб кетади.

Ўт ўчирувчилар маҳалла оқсоқоли билан биргаликда болаларнинг онаси Саломат Ашировани бироз кутиб ўтиришди. Аммо онадан дарак бўлмади.

— Болаларни уйга олиб кетаман,— деди маҳалла оқсоқоли Қўзибой ака Султонов.— Уларнинг бу тарзда тарбияланиши яхшилик билан тугамайди. Онаси келгач, ҳаммасини бафуржа гаплашиб оламан. Онами, оналигини қилсин. Бўлмаса, фарзандларини болалар уйига топшираман...

Қўзибой ака ўт ўчирувчиларни кузатиб қўйгач, болаларни ўз уйи томон етаклаб кетди.

Худойберган ЖАББОРОВ,
Хоразм вилояти.

ХУШХАБАР!

УАБ Трейдинг ЛТД

(Тошкент, Қатортол кўчаси,60, Чилонзор . Телефон: 78-30-33.)

Тошкентдаги омбордан "Поло" ва "Ричмонд" сигареталарини СОТАДИ.



BEST AMERICAN TASTE

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: чекиш соғлиққа зararлидир!

• ҚУТЛОВ

УЧ УСТОЗ ШОГИРДИ

Самарқандлик мулло қиз, душанбалик шаддод жувон Кибриёхоним йиллар ўтиб «Кибриё Қаҳҳорова» бўлиб танилгунга қадар ҳам қалам аҳли (Тожикистон)да, олиму алломалар (Ленинграддаги шарқшунослар) даврасида яхшигина ном қозонган эди. Ўшанда уни ҳамкасблари «Рафиқ Лутфуллоева» ёки оддийгина қилиб «Кибриёхоним» дейишарди.

Очиғи Кибриё Қаҳҳорова бу даражага аввало худо берган истеъдод туфайли, қолаверса, уч устоз таълимини олгани учун ҳам эришган.

Кибриё!

Бу номни унга устози аввали—падари бузруквори қўйган. Умрининг ярмидан кўпроғини Бухоро мадарасалари тупроғини ялаб, тоат-ибодат билан ўтказган Лутфулло Махдум эллик тўрт ёшида ўн олти ёшли қизга уйланиб, эллик олти ёшида кўрган тўнғич фарзандига яхши умидлар билан шу номни танлади. «Кибриё» арабча «Кабир», «Акбар» — улуғ деган маънони англатаркан. Лутфулло Махдум таъби назм, илм ва зарофатда етук зот бўлгани учун ҳам қизига ўзи савод ўргата бошлайди. Етилган ерга тушган бўлиқ уруғ ҳосиласи ҳам тезда яшнаб кетаркан. Айтишларича, қизалоқнинг саводи тили билан баробар чиққан экан. Эҳтимол, бу муболағадир. Лекин шу гапга ишонсак биздан нима кетибди. Бирор еримиз камайиб қоладими?

Яна Лутфулло Махдум ҳақида. У киши жуда адолатли, хушчақчақ, маърифатпарвар бўлганлиги учун ҳам тезда муфтию аълам даражасига кўтарилади. Тўрт ёшли қизалоқни пайғамбар ёшидаги муфти «Мулло Кибриё» дея сизлаб эркаларди. Талаффуз машқи, қуввайи ҳофизани чиниқтириш машқи билан қўшиб олиб бориларди. Бедил, Ҳофиз, Саъдий, Фузулий ғазалларини ёдлатиш, доимий такрор, риёзиётдаги мураккаб масалаларни бир зумда счиншинг шарқона усуллари ғўдак онгига мунтазам сингдиришга ҳаракат қилинган. Ҳатто Лутфулло Махдум дин пешвоси бўлишига қарамай «Мулло Кибриё забони русийни мукаммал ўргансинлар» дея Гулжамол исмли татар олимани муаллимликка ёллайди...

Даҳшатли ўттизинчи йилларда Кибриёхоним «Ижтимоий келиб чиқиши» «камбағал деҳқон» бўлиб, Душанбе шаҳридан паноҳ топади. Болалигидаёқ ўн минглаб мисра ғазалларни ёд билгани учун «Тожикистон» Давлат нашриётига ишга жойлашади. Тез орада адабиёт бўлимининг мудирлигига кўтарилади. Устод Садриддин Айний бошлиқ адабий давраларга қатнашади. Абдусалом Деҳотий, Боқи Раҳимзода, Мирзо Турсунзода, Ҳабиб Аҳрорий сингари сўз сеҳргарлари билан бўлган «байт-барак»ларда бемалол беллаша оларди. Ўша йиллари устод Садриддин Айний бошчилигида «Тожик адабиёти намуналари» дарслигини тузишда фаол қатнашади. Бир ой давомида Айний домла билан бақамти ишлаб, устоздан сўз устида, матн устида ишлаш сирларини ўрганади. Шу йилларда «Русча-тожикча» луғат яратиш борасида тилшунослар билан ҳамкорлик қилади.



1940 йилга келиб Кибриёхонимдан маълумоти ҳақида ҳужжат сўрашади. У Ленинград университетининг шарқшунослик факультетига йўлланма олади. Ундан қабул имтиҳонини Бертельс, Болдирев, Рисфин сингари машҳур шарқшунос олимлар қабул қилишади. Унинг Бедил рубойиларини тожик ва рус тилларида бемалол шарҳлай олиши уларни ҳайратда қолдиради. Кибриёхонимни бир йўла университетнинг тўртинчи курсига қабул қиладилар. Бу ерда Кибриёхоним ўқиш билан бирга ижодий ишни қўшиб олиб боради. «Тожикча-русча» луғатини тузишда маслаҳатчи бўлиб хизмат қилади.

Афсус, уруш бошланиб, иш ҳам, ўқиш ҳам чала қолади. Яна Душанбега қайтади, радиода ишлайди. Унга Тожикистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси котибалиги лавозимини таклиф этишади. Кибриёхоним қурол ва қаламни афзал кўради. Уни кўнгилли сифатида Туркистон ҳарбий округи ихтиёрига — Тошкентга юборадилар. Бу ерда у «Фрунзечи» газетасининг тожик тили муҳарририятини ташкил этади. Ўзбекистон радиосида тожик эшиттиришларини бошқаради.

Баҳор кунларининг бирида (тавба, яна баҳор экан)... шинел кийган соҳибжамол тожик қизи, таниқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор билан учрашиб қолади... ўзлари айтмоқчи «шеър баҳона, дийдор ғанимат!» Кибриёхоним у кишига Ҳофиз, Бедил, Саъдий, Жомий шеърларини форсчасини ўқиб, русчага таржима қилиб берарди. Чунки ўшанда Абдулла Қаҳҳор тожикчани, Кибриёхоним ўзбекчани билишмас эди. Ўз навбатида улар бир-бирларидан тил ўрганадилар. Кейинчалик бу ҳақда Абдулла Қаҳҳор: «Кибриёхоним менга форс адабиётига дарча очиб берган» дея эътироф этган эди. Тўққиз ойча синашта бўлиб юрдилар. Абдулла Қаҳҳор ҳар гал учрашувга келганда «Илойим, қўлим қўлингизга тегмасин» дея ўз-ўзига сўз бериб келаркан...

Ниҳоят, тўққиз ойдан кейин «кўзлари кўзларига тушган» кунни ҳисоблаб, Буюк Ғалаба арафаси — 1945 йил 12 апрелда никоҳдан ўтишади.

Ана шу кундан бошлаб, унинг Абдулла Қаҳҳор билан ҳамнафаслиги бошланади. Шу кундан эътиборан Кибриёхоним Кибриё Қаҳҳорова бўлиб ўзбек адабиёти тарихига кирди. «Адабиёт тарихига кирди» ибораси эҳтимол кимлардир эриш туюлар, лекин бу исбот талаб қилмайди. Чунки «Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида» номли йигирма босма табоқли китобдаги хотираларнинг деярли тўқсон фоизида Кибриёхоним алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинади. Хотираларнинг аксарияти Кибриёхонимнинг пазандалиги, саранжом-саришталиги, қандай, қай аҳволда кир ювишигача, Дозориддин номли итларига қандай овқат беришларигача ёзилади. Бундан гоҳида опанинг жаҳллари чиқади. Чунки бу хотираларда кўпчилик у кишининг атоқли ёзувчига умр йўлдоши, маслаҳатчи ва суянчиқ бўлганлиги, оёқ-қўлли иш юритувчи сифатида таърифланади-ю, у кишининг таржимонлиги, матншунослиги ҳақида лом-лим дейилмайди. Ҳолбуки, опа Серафимовичнинг «Темир оқим» романини ўргамчикка зўр таржима қилганларидан сўнг (Абдулла Қаҳҳор билан ҳамкорликда) Гоголнинг «Ревизор» комедиясини, Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романининг кейинги жилдларини ўзбек тилига, Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак», «Ўтмишдан эртаклар» асарларини, ҳикоя ва комедияларини ўзбекчадан тожик тилига, А. Сафий, У. Закоий, А. Фарраж асарларини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган.

Учинчи устоз — Абдулла Қаҳҳор ҳақида Кибриёхоним «Чорак аср ҳамнафас» деган хотиралар китобини чиқардилар. Бу рисола — адабиёт ҳақида, муҳаббат ва садоқат ҳақида баҳс юритади. Ундаги ибратли ҳикоялар улуғ адибни, айни пайтда унинг муаллифини келгуси авлод ўқувчилари билан узоқ йиллар ҳамнафас қила олади.

Кибриё опамиз Абдулла Қаҳҳор уй-музейининг чароғбони бўлиш билан бирга ўзбек—тожик адабиётлари ҳамкорлиги, тил софлиги, мумтоз адабиёт намуналари таҳлилига оид ўнлаб илмий мақолаларнинг муаллифи ҳамдир.

Юқорида айтилганидек, Кибриё Қаҳҳорова уч устоз—падари бузруквори Лутфулло Махдум, янги тожик адабиётининг асосчиси Садриддин Айний ва ниҳоят, умр йўлдоши, ўзбек адабиётининг атоқли намояндаси Абдулла Қаҳҳор таълими ва дуосини олган зукко аёлдир.

Сўнгги сўз: Кибриё опа, ойтимуллойи азиз! Табаррук... ёшингиз муборак бўлсин! Аттайи «бели боғлиқ» рақам ва ундан кейинги «нўл»ни ёзмадим. Зотан, бунга такрорлайверишни ўзингиз ҳам ёқтирмайсиз. Биз, мухлисларингиз, укаларингиз, сингилларингиз «8» ўрнига «9»ни, ундан кейин эса қайтадан бир билан бошланувчи санани нишонлаш орзусидамиз. Ўшанда хафа бўлсангиз, бўлмасангиз ёшингизни аниқ ёзамиз.

Ҳозирча омон бўлинг! Ўзингиз айтмоқчи, «муқова»ни асранг, «муқова»ни!

Неъмат АМИНОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.



ОТАХОНГА ЭСДАЛИК. Нўъмон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

• *Ҳикматлар хазинаси*

ИМОМ АЪЗАМНИНГ ОТАСИ ВА АРИҚДА ОҚИБ КЕЛГАН ҚИРМИЗИ ОЛМА

Имом Аъзам ҳазратларининг оталари Собит Ҳазратлари йигитлик чоғларида, ёшликнинг баҳор мавсумида эканларида бир оқар сув бўйида таҳорат қилар эдилар. Таҳорат олиб, дуоларини ўқиб, артиниб сув оқишини завқланиб томоша қилар эканлар, сувнинг устида қирмизи, холдор, чиройли олма оқиб келаётганини кўриб қолдилар.

Чиройли, қирмизи олманинг гоҳ сувга ботиб, гоҳ юзага чиқиб, тўлқинланиб оқаётган сувда қалқиб келиши Имом Аъзамнинг отасини жуда завқлантирди. У олмани тутиб олиб, бир тишлади. Бир тишлаган олма мазасини билибоқ ҳушларига келадилар ва:

— Мен нима қилиб қўйдим? Бу олманинг, албатта, эгаси бор. Ўзимники бўлмаган бир нарсани қандай қилиб эгасининг изнисиз тишладим, — дейди.

Ўз ғафлатидан шул он уйғондиларда, сув оқиб келаётган томонга юрдилар. Бироз юргандан кейин сувга эгилиб тушган, шохларида кўп олма бўлган дарахтни кўрдилар. Қўлларидаги тишланган олмага қарасалар дарахтдаги олмаларга ўхшайди. Мен тишлаган олма шу боғники экан, деб боғ соҳибини чақирдилар. Ва ҳалоллик билан бундай дедилар:

— Бу олма сизнинг дарахтингиздан тушганга ўхшайди. Ариқ бўйида таҳорат қилиб ўтирган эдим, олма оқиб келаётган экан, мени ғафлат босиб олмани тутиб олиб бир тишладим. Шундан кейин ғафлатдан уйғондим-да, бу олманинг эгаси бўлса керак, ундан ё ҳалоллик тилай ёки унинг ҳақини берай, деб сизни истаб келдим. Сиздан розилик сўрайман, олманинг ҳақини бераман ёҳуд бу ғафлатим сабабли сиздан рухсат олмай, фикрингизни билмай қилган хатоимни кечиришингизни сўрайман ва олмани ҳалол этишингизни истайман.

— Ҳеч ҳалол этмайман! Нега мендан сўрамай, рухсат олмай олмани тишладинг? — деди боғ соҳиби.

— Омонлик беринг! Илтижо қиламан, ёлбораман. Олмангизнинг пулини бераман, бўлмаса бир ишингизни қилиб бераман, — деб ёлборди Имом Аъзамнинг отаси.

— Уч йил менга хизмат қиласан, шундан кейин ўйлаб кўрамиз, — деб жавоб берди боғ эгаси, — бу олмани ҳалол этишнинг бирдан-бир чорасидир.

Ҳазрат Собит «хўп» дейди. Бир онлик ғафлати, олмани берухсат тишлагани, биргина сўзи учун уч йил хизмат қилади!.. Аммо бошқа иложи йўқ. Бир тишлаган олманинг сувини ютинган эди. Буни ҳалол этиши керак. Ул одам — боғ соҳиби анча бадавлат одам эди. Имом Аъзамнинг отаси шартга рози бўлди. Уч йил хизмат қилади, сўнг ўйлаб кўради.

Ҳазрат Собит бу боғчада ишлади. Охирги кунлари «яқинда уч йил тўлгач, ҳалолланиб, уйимга бораман», деб ўйлай бошлади.

Уч йил тўлган кун у боғ соҳиби ҳузурига бориб: «Бугун уч йил тўлди, ҳақингизни ҳалол этинг, мен кетай», деди.

— Ҳаққимни бир шарт билан ҳалол этаман. Уч йил ўтгач, «ўйлаб кўрамиз» дегандим. Ўйлаб кўрдим, яна бир кичик шартим бор, уни ҳам бажарсанг, ҳақимни ҳалол этаман. Менинг бир қизим бор. Кўзлари кўрмайди, қулоқлари эшитмайди, қўллари ишламайди, оёғи йўқ — юрмайди. Агар унга уйлансанг, ҳалол этаман, бўлмаса йўқ, — деб жавоб берди боғ соҳиби.

Имом Аъзамнинг отаси Ҳазрат Собит «хўп» деди. Тўй тайёргарликлари кўрилди. Зиёфатлар берилди, никоҳ ўқитилиб, қуёв гўшангага кирди. Қараса, соппа-соғ бир келин ўтирибди. «Бўлмайди, бу ерда бир янглишлик бор», деди у ўзига.

Балки бир ҳийла бордир. Шу фикрлар билан қайин ота ҳузурига борди, ва:

— Отажон, сиз менга кўр, тили йўқ, қўли ишламайдиган, оёғи йўқ, юрмайдиган бир қизим бор деган эдингиз. Ҳолбуки, соппа-соғ бу дунё гўзали — бир келинни кўрдим, — деди.

— Шундай, ўғлим, — деб жавоб берди қайин ота, — менинг сўзларимга яхшилаб қулоқ сол. Менинг қизим ҳаромга қарамайди, шунинг учун кўр, ҳаром сўзларни эшитмайди, шунинг учун кар, қўлини ҳаром нарсага чўзмайди, шунинг учун қўли ишламайди, ҳаром жойларга бормайди, шунинг учун оёғи йўқ, ҳаром сўз сўзламайди, шунинг учун тили йўқ. Буларнинг барини мажозий маънода сўзладим, қизимга сенга ўхшаш бир имон аҳлини истар эдимки, унинг қалбида Аллоҳдан қўрқиш бўлсин, ўзини ҳаромлардан сақласин, Аллоҳнинг ман этган нарсаларидан тийилсин, қизимга ва ундан бўлғуси набираларимга ҳаром едирмасин, ҳақ-ҳуқуқини билган имони комил сендек қуёв истардим. Аллоҳим сени менга кўрсатди. Сен бир тишлам олма сувининг ҳалоллигини тилаганингда сени қалби пок, виждонли одам эканлигини тушунган эдим. Фақат сени имтиҳон этишим керак эди. Уч йилдек узоқ муддат сени синадим. Сенинг хатти-ҳаракатингни кузатдим, мен истаган, орзу этган жами сифатлар сенда мавжуд. Бунинг учун жигарпора фарзандим — қизимни сенга узатдим. Хайр, бир-бирингиз билан қўша қаринг!

Юсуф ТОВАСЛИЙ.

• *Мулоҳаза*

САҚИЧ ЧАЙНАШ ФОЙДАЛИМИ?

Метрода одам сийрак. Тик турганлар ҳам бор. Рўпарамда башанг кийинган киши кўзини лўқ қилганича чайналиб турибди. Худди менга «танимадинг-а» деяётгандай. Атрофга ўгирилдим. Икки дугонанинг суҳбати авжида. Бири сўзлаб, иккинчиси ҳиринглайди. Гапга қулоқ солиш «навбати» билан иккови ҳам чайналадилар. Енларидаги қизалоқнинг оғзи тинмайди. Гувиллаган овоздан уларнинг чапиллатишлари қулоққа чалинмаса-да, болакайнинг оғзидан пуфак чиқариб, пақиллатиб ёриши фикрни бўлади...

Ҳа, бир қарашда оддий воқеа, шунчаки манзара. Ҳарнани замона ярашиқлиққа бурамиз. Зеро, азалий қадриятларимизга назар соладиган, кексаларимиз сўзига қулоқ тутадиган бўлсак, ўзбекона одобимиз унутилаётганини ҳис этишимиз мумкин. Аввало, эркаклар сақич чайнашмаган. Аёллар эса кўча-кўйда эмас, уйда ибо доирасида фойдаланишган. Умуман, сақич чайнаш хосиятлими? Бу ёпишқоқ «иллат» ҳозиргидек оммавий удум бўлмасдан аввал шифокорлар: «овқатдан кейин 15—20 минут ҳазмитаом маъносида чайнаш мумкин», деган таъбирни лозим топишган эди.

Хўш, энди нима бўляпти? Бозору ўчар, пештахталару дўконларнинг безагигача хорижий сақичга хос сурату ёзувлар. Тўғри таъсирчан, сержило бўёқли реклама қилишни улардан ўрганадиган томонлари бор. Лекин бизда ҳамма нарсанинг олди бозори эмас, балки ўтмас матоҳга айлангач сотилаётгани ҳақида камроқ ўйлаяпмиз чоғи. Хусусан, океан орти шаҳарларида чекишни ташлашга аҳд қилинган бир пайтда, уларда ишлаб чиқарилган турли-туман сигарету папиросларни, ранг-оранг сақичлар харидорлигига умид боғланмоқда. Бўлмаса, сақичлар маконида уни чайнамай қўйишгани сир эмас. Ишбилармон-у тадбиркорлар ҳам фойда кетидан қувмай, соғлом авлод камолини ўйлаб, саъй-ҳаракатлар қилинаётган юртимиздаги муддао қадрига етишса бўларди.

Чекишни-ку знёни ҳаммага аён. Зотан, сақичники ҳам ундан кам эмас экан. Маълумки, хуштаъм, хушбўй сақичлар болаларнинг «жони». Масаланинг нозик томони ҳам шунда. Боиси, тарбиячию муаллимларнинг кузатишларича, оғзида сақич билан телевизор кўриш, компьютер билан ишлаш, дарс тинглашда эслаб қолиш қобилияти бошқаларникига нисбатан бўш бўларкан. Шунингдек, бундан ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам болалари ҳардамхаёлроқ экани, ўқиш-ёзишга қизиқиши, унинг ўзлаштиришидан кўнгиллари тўлмаётгани ҳақида нолиб юришлари аниқланди.

Ширали сақич оғиз бўшлиғида нордонликни ошириб, тишларнинг «қурт» ейишига сабаб дейишади. Ширасиз сақич чайналса, тишларни тоза ва соғлом қиларминш. Сақич жаг мускулларини мустаҳкамлайди, деган ақидага ҳам ишониш қийин. Аксинча, рухсоримизнинг қаери кўпроқ ҳаракатга келтирилса, ўша жойда ажин чизиқлар пайдо бўлиши аниқ. Ҳа, майли, сақич чайнаш шунчалик урф бўлган экан, ширали резина ўрнига ўзимизнинг бурунги оқ ёки қора сақичларимиз ҳақида ўйлаб кўрсак қандай бўларкан?

Ҳайдар НОСИРОВ.

ГУРУНГ

• *Ҳажвия*

НОСФУРУШНИНГ ИЛТИМОСИ

Хонамда қоғозларга кўмилиб ўтиргандим, бир киши кириб келди. Юзлари бўғирсоқдек, келбатли. Нос чекавериб тишлари сарғайиб кетган бу кишини Ёрмат носфуруш эканлигини кейинроқ пайқаб қолдим. У устимга бостириб келиб қўлини чўзди:

— Ассалому алайкум уста, тани-жонингиз соғми, бола-чақалар, кеннойилар дурустми?

— Яхши,— дедим ҳайратим ошиб,— сизни қандай ишамол учирди?

— Шу охир, редоксиёми?

— Ҳа-ҳа, лекин бизда қоғоз масаласи қийин,— фаҳмимча у нос ўраб сотиш учун қоғозга келган. Йўқса, носфурушга таҳририятда бало борми?

— Ўлманг уста, мен қоғоз учун келмаганман, бошқа масала кўндаланг бўлиб қолди.

— Хўш, хизматдан гапиринг бўлмаса,— сал жаҳлим чиққандай бўлди.

— Ун ёшимдан нос чекаман,— у қўлларини пахса қилиб гапирарди.— Ўлганим йўқку! Еки сиз палонча нос чекиб ўлибди, деб эшитганмисиз? Баракалла, бор эканси-у!— у хурсанд бўлиб кетди.— Энди ўзингиз бир ўйлаб кўринг... Агар нос зарарли бўлса, ота-боболаримиз чекармиди? Мана, ўзимдан қиёс. Ешим олтмишдан ошди, отдекман, ҳеч ерим оғримайди, дўхтирнинг остонасини ҳам ҳатламаганман, ука. Отам тўқсондан ошиб вафот этдилар, ғирт носкаш эдилар, ҳатто мурдашуй ювиётган пайтида ҳам оғзида нос бор экан.

— Ахир, мендан нима истайсиз?— ўрнимдан туриб кетдим.— Нима қил дейсиз?

— Ана энди ўзингизга келдингиз,— юзи ёришди Ёрмат носфурушнинг.— Носнинг обрўсини бунчалик ерга урмаслик керак, уста. Ўзимизнинг телибузардан ҳар куни попирсни реклама қилаяпти. Нега нос ҳақида лом-мим дейишмайди. Нос ахир миллий чекимлик-ку, қани бу ерда миллийликка эътибор. Телибузардагилар ҳам ғарбга қарайдимией.

— Муддаога кўчинг, Ёрмат ака?

— Сигарит ўпкани ғалвирдай тешиб ташлайди, бу бир, иккинчидан ёнғин чиқишига сабаб бўлади. Нос-чи, у ёнғин учун хавфсиз чекимлик, дарахтнинг остига тупурсангиз ҳосилдорлиги ошади. Уйимдаги бир туп ўрикни тагига мен ҳам тупураман, хотиним ҳам тупуради, келиним ҳам, ўғлим ҳам, қизим ҳам тупуради. Ҳар йили аломат ҳосил солади. Энди ука, газетангизда бизнинг носни ҳам реклама қилмасангиз бўлмайди. Ҳеч бўлмаса «Ёрмат аканинг носи энг зўр нос» деб ёзинг.

— Қўлимдан келмайди,— қатъий фикр билдирдим.— Мумкин эмас, гап тегади. Муҳаррир кўнмайди.

— Унда муҳаррирга ўзим кираман,— шаҳд билан хонадан чиқиб кетди у.

Шундан сўнг ушбу ҳажвияни ёздим. Иш қилиб, Ёрмат носфуруш ўқиб, «ана барибир ёзибсан-ку» демаса бўлгани.

Фахриддин БОЗОРОВ.

ЁҒИНГАРЧИЛИКНИ БИЛИШ ҲАҚИДА

• *Инсон ва табиат*

Агар ой учинчи ва тўртинчи кечада ёрқин ва мусаффо бўлса, кундузи ҳаво очиқ бўлади. Агар ой қизғиш рангда бўлса, шамол кўп бўлишининг аломати. Агар қорага мойил бўлса, ёғин кўп бўлишига далолат қилади.

Агар қуёш чиқаётган пайтда ҳаво соф бўлса ёки қуёш чиқишидан аввал осмонда булут парчалари кўринса ёхуд қуёш ботаётганда булут бўлмаса ёки ботгандан кейин ва ботишидан аввал қизғиш булут парчалари намоён бўлса, буларнинг ҳаммаси ёмғир бўлишининг аломатидир.

Чумчуқ ва саъванинг дарахт устида сайраши ҳам ёмғир бўлишидан дарак беради.

Агар учинчи ёки тўртинчи кунда ой кенг ва энли кўринса, ҳаво ғуборли бўлса ёки ой чиқаётган пайтда қизилга мойил бўлса, қуёш чиқаётганда уни қора булут парчалар ўраб олса ёки ботаётганда унинг чап томонида қора булутлар кўп йиғилган бўлса, буларнинг барчаси ёмғир бўлишига далилдир.

Қозон ўчоқдан олинганда ёки овқат пишишидан аввал қозоннинг тагида учқунларнинг кўп бўлиши, товуқнинг ҳадеб ўзини титкилайвериши, жимиб кетиши, думларини узун ва тўғри қилган ҳолда ғарб томонга қараб туриши, бўриларнинг қишлоқларга кўп оралаши, чумолилар ўз «хазиналарини»инига ташмалаши ёмғир ёғишига далолат қилади. Айниқса, шу нарсалар ой бошида ва ой охирида юз берса, (юқоридагиларга) аниқ далилдир.

Агар ой атрофида соф қизиллик пайдо бўлса, совуқнинг қаттиқ бўлишига далилдир. Ой атрофида иккита қизғиш ёки сариғиш доиранинг пайдо бўлиши совуқ қаттиқ бўлишига белгидир. Чивинларнинг уй ичида тўпланиб «ашула» қилиши, қўйларнинг ўтлоқда осмонга сакрашлари, чироқ ёниқ турса-да, уйнинг қоронғига ўхшаб кетавериши—буларнинг ҳаммаси совуқ ва ёғингарчиликдан дарак беради.

Эман ва мурч дарахтларининг ҳосили кўп бўлган йилнинг қиши узоқ чўзилади.

Эшак бошини ғарб томонга қилиб туриши ва оёғи билан ерни кавлаши, осмонга қараши қишнинг узоқ бўлишига далилдир.

«ЗИРОАТНОМА»ДАН.

ИКИР—ЧИКИРЛАР

● **ШИФОКОРЛАР** кўпроқ ўтириладиган хоналарда сунъий гул қоғозлар, гилам ва чойшаблар, сунъий ювиш ва тозалаш воситаларини сақлаш зарарли эканлигини тавсия этишмоқда.

● **ҲАР ХИЛ** ичимликларни биллур графинларда узоқ сақлаш ҳам зарарли. Бундай идишда сақланган суюқлик вақт ўтиши билан биллур таркибидаги қўрғошиндан зарарланиши мумкин экан.

● **КОМПЬЮТЕР** аппаратлари билан ишлаш чоғида сунъий матолардан тайёрланган кийим-бошларни кийиш ман этилади. Шунингдек, экранга 50 см.дан яқинроқ бориш мумкин эмас. Хонада ўртача намлик 40-60 фоиз атрофида бўлиши керак. Хона поли антистатик материалдан қопланиши мақсадга мувофиқ.

● **БУЙРАК** ва шунга яқин аъзоларда тош йиғилган кишилар ҳар куни эрталаб оч қорнига бир стакан қирилган сабзи истеъмол қилиб, 30-40 минут юришса, шифо бўлади.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-35, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қўқонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.
● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—1086 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: Қурбон АЛИ, С. САЛИМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. топширилди — 20.00. 1 2 3 4 5 6.